

## ШАРТНОМА № 23

(Автотранспорт хизматини курсатиш хақида)

Шуманай тумани.

«15» июн 2022 йил.

Бир томондан «SULTANBEK AVTOXIZMET» МЧЖ келгусида «Бажарувчи» деб юритилувчи ўз Низомига кўра фаолият курсатувчи Г.Каландарова, иккинчи томондан «Шуманай» ТЎФУК келгусида «Буюртмачи» деб номланади, корхона номидан корхона раҳбари А.Капповлар ўзаро келишиб ушбу шартномани туздилар.

### 1. Шартнома мазмуни

1.1. «Бажарувчи», «Буюртмачи» буюртмасига асосан давлат ва маҳаллий аҳамиятидаги умумфойдаланувдаги автомобиль йулларини реконструкция қилиш, жорий таъмирлаш, кишки қаров, табиий офат ва пудрат ишлари объектларида ўзининг техник соз бўлган 2 дон «HOWO» русумли давлат белгиси 95/771XAA ва 01/185SGA булган автотранспортни ажратади. «Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг кўрсатган автотранспорт хизматлари учун «Бажарувчи»нинг давлат экспертиза хулосаси нархлари ва нархларга келишув баённомалари асосида, «Буюртмачи»нинг лойиха смета хужжатларига киритилган нархларидан ошмаган ҳолда тўловни амалга оширади.

### 2. Томонларнинг мажбуриятлари.

2.1. «Буюртмачи» куйидаги мажбуриятларни уз зиммасига олади:

а) Объектларда автотранспорт хизматларини курсатиш даврида, техник саволларни, хар-хил камчиликларни ҳал қила оладиган ягона жавобгар шахсни тайинлайди.

б) «Буюртмачи» автотранспорт ажратиш учун олдиндан талабнома беради ёки томонлар махсус келишган усул асосида хизматларни бажарилишини талаб қилади ва ушбу хизматлар учун пул маблаглари тулайди.

в) Ишлаб чиқариш жараёнида «Бажарувчи» томонидан ажратилган автотранспортларини ёнилги маҳсулотлари билан таъминлайди ва ёнилги маҳсулоти суммасини бажарилган ишлар суммасидан айириб қолинади.

«Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг автотранспортларини таъмир талаб бўлганда техник қаров ишлари хизмати ҳамда эътиёт қисмлар билан таъминлаш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда «Буюртмачи» томонидан таъминланган ёнилги, эҳтиёт қисмлар ва иссиқ овқат маҳсулотларини «Бажарувчи» томонидан ишончнома ва ҳисоб фактуралар орқали расмийлаштириб олинади.

г) «Буюртмачи» «Бажарувчи»дан жалб қилинган автотранспортларни амалда бажарилган ишлари учун шартноманинг 1-булим, 1,1-бандида курсатилган нархлар асосида туловни амалга оширади.

д) «Буюртмачи» ва «Бажарувчи» автотранспортларни «Бажарувчи»нинг манзилидан «Буюртмачи» объектига олиб бориш ва қайтариб келиш харажатларини «Бажарувчи» томонидан амалга оширилади.

ж) «Буюртмачи» Бажарувчининг автотранспорт воситасини ишлаб чиқариш зарурияти туфайли 24 соат олдин огоҳлантирган ҳолда иш билан таъминлайди, доимий иш билан таъминлашни қафалатламайди.

2.2 «Бажарувчи» куйидаги мажбуриятларни уз зиммасига олади:

а) Объектларда ишларни бажариш ҳамда автотранспорт хизматларини курсатиш даврида техника, ёнгин ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилади, хар қандай қонунчилик меъёрлардан четга чиқишга тула жавоб беради.

б) «Буюртмачи» буюртмасига асосан техник жиҳатдан соз ва бутун автотранспорт хизматларини ажратади ва буларга жавобгар шахсни тайинлайди.

в) «Буюртмачи» буюртмасини уз вақтида ва сифатли бажариб беришни қафолатлайди.

г) «Бажарувчи» уз ҳайдовчи ва механизаторларга хизмат хақи, техник қаров ишлари хизмати, эҳтиёт қисмлар билан таъминлайди.

Агарда хизмат курсатиш давомида ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб «Буюртмачи» томонидан эҳтиёт қисмлар, техник қаровлар амалга оширилганда «Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан таъминланган эҳтиёт қисмларни ишончнома ва ҳисоб вароқлар орқали ҳисоб китоб қилади.

д) «Бажарувчи» ой давомида «Буюртмачи» томонидан олинган ёнилги маҳсулотларини ишончнома ва ҳисоб вароқалар орқали расмийлаштириб олади.

е) Мазкур шартнома расмийлаштириш мобайнида ва кейинчалик бажарилаётган пайтда «Бажарувчи» ушбу шартнома шартларини тулик бажаришга етарли руҳсат (лицензия) хужжатларига эгаллигини, ва хизматларини бажаришга бошқа тусқинлик йуқлигини, шартнома имзолашга мансабдор шахнинг ҳуқуқи борлигини, ҳисоб китоблар аниқ булишини, шунингдек шартномага керакли иловалар тугрилигини уз зиммасига олади.

ё) «Бажарувчи» хар ойнинг 30 кунигача бажарилган ишларнинг расмийлаштирилган хужжатларига асосан «Буюртмачига» ҳисоб варагини топширишни уз зиммасига олади.

ф) «Бажарувчининг» ажратган автотранспорт воситаси корхона томонидан белгиланган визиқаларни бажармаган ёки сифатсиз бажарган ҳолларда бир маротаба ёзма огоҳлантириш хати берилади, агар ушбу ҳолат такрорланса шартнома бир томонлама бекор қилинади.

